



# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 36 (36), 2020 йил 13 март, жума



## ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март куни Хоразм вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган бўялган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган "Develop Textile" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фаолияти билан танишди.

Рори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдирини билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Айтиш мумкин, ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

Турган бино ва иншоотлар негизда жойлаштириш бўйича тақдирлар ўрганилиб, яна 7 та ҳудуддан 89 гектар майдон эркин иқтисодий зона ҳудудига қўшиб берилди. Натижада "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудуди Богот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенгайиб, жами 414 гектарга етди. Бугунги кунда "Ҳазорасп" ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Утган давр мобайнида ўндан ортиқ лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ва севдвич панеллар, ювчи воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қўёш батареялари, стерилланган бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва пойафзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади ва яна 500 дан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Тиббиёт тест таъқчалари, машиш техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божхона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омили бўлмоқда.

"Develop Textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудидаги истиқболли лойиҳалардан бири. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари якунланган. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қўлайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган.

Ийрик лойиҳани ишга тушириш учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, мутахассислар ва тикувчилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўрни яратилади. Корхона йилига 4 минг тонна хар хил турдаги бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион дона трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

"Ҳазорасп" ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиши, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу ерда Хоразм вилоятида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ҳудудларининг жойлашуви, инфратузилмани ривожлантириш, автомобиль йўллари қайта қуриш ва реконструкция қилиш,

ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш, камбағалликни камайтириш ва бошқа лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари кўп йиллик лойиҳалар тузишдан воз кечиб, қисқа мuddатли, самарали, бир йиллик лойиҳаларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Янгиарик туманидаги "Global Food Impex" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.

"Global Food Impex" МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхонада помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Янгиарида қурилаётган 10 гектарлик иссиқхона эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда қўлпўнай, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Президентимиз ташриф буюрган иссиқхонада йилга 3 минг тоннадан зиёд бодринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нав "Юсупов" навиға ўхшаб кетади. Гектарига 400-450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25-28 кун яхши сақланади, сархиллик хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни кўпайтирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга руҳсат берувчи ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Маҳсулот Янгиариқдан Москвагача юк машиналарида 2,5-3 кунда етказиб борилади. Қуни кеча илк бор Санкт-Петербургда 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир кўчат кокос дарахти пўстлоғи бўлган маҳсул ўрама экилади. Томчилаиб сугорилади, ўсимликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилади.

Кокос ўрама Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тadbиркорларимиз кўп маблағ сарфлайди. "Global Food Impex" МЧЖ раҳбари Алишер Маткаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг кўп ишлатиладиган ва жуда зарур калций нитрат ўғитининг 23-24 тоннаси юкланган катта юк машинаси Янгиариқдаги иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Бизда ишлаб чиқарилса, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айланади.

Тadbиркор кокос дарахти пўстлоғи озуқаси ўрнини босувчи табиий манбаини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Давоми 2-бетда

### ТАҚДИМОТ

## ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН ЖУРНАЛ

Озарбайжонда 2006 йилдан буён нашр этиб келинаётган "Tarixi Şəxsiyyətlər" ("Тарихий шахслар") журнали анъанага кўра, ҳар йили дунё етакчилари ҳамда таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари орасидан "Йил одами"ни эълон қилиб келади.



Тахририят ходимларининг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тарихий анъаналарни тиклаш ва намойён этиш борасидаги самарали фаолияти, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеини жаҳон миқёсида юксалтиришдаги улкан меҳнати, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга

қўшган беқиёс ҳиссаси учун 2019 йилда "Йил одами" деб эълон қилинган эди.

Қайд этиш лозимки, 2017 йилда тахририят қарорига кўра, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, 2018 йилда эса Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ушбу номинацияга муносиб кўрилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Йил одами" деб эътироф этилиши муносабати билан рус тилида нашр этилган "Tarixi Şəxsiyyətlər" журналининг навбатдаги махсус сони Ўзбекистон Президенти ва Ўзбекистонга бағишланган.

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency" меҳмонхонасида Озарбайжоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ва Элчихона ҳузуридagi Гайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази кўмагида "Tarixi Şəxsiyyətlər" журналининг махсус сони тақдироти бўлиб ўтди. Маросимда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари, халққаро



ташкilotлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққан Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқалар кўп арлик дўстлик, стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон

ва Озарбайжон муносабатлари изчил ривожланиётгани ҳамда мустақамланиб бораётганини қайд этди. Тарихи, маданияти ва дини умумий, маънавий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари муштарак бўлган халқларимиз ўртасидаги муносабат сўнгги йилларда янада юксалгани алоҳида таъкидланди.

— Бугунги кунда икки томонлама савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий, гуманитар алоқалар юқори даражада, — дейди "Тарихий шахслар" журнали Бош муҳаррири Халил Қораҳмадов. — Бу эса халқларимизнинг тарихий илдизлари муштараклиги, миллий урф-одатларимиз, маданиятимиз бирлиги билан боғлиқдир.

Ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуш тарзи тубдан ўзгармоқда. Озарбайжонлар буюк ўзбек халқининг меҳнатсеварлигини яхши билади ва бунга чўқур ҳурмат билан қарайди. Улар ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги гоялари ҳақида энг яхши таассуротларга эга. Президентининг мана шундай улғу номга лойиқ қўрилгани билан барча Ўзбекистон аҳлини чин дилдан табриқлайман.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Абдувоҳидов ва Р.Қосимов иштирок этди.

Ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" мухбири

### ҲУҚУҚ ИНДЕКСИ



World Justice Project

## ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ

"World Justice Project" халқаро ноҳукумат ташкилоти 2019 йил якунлари бўйича 2020 йил учун ҳуқуқ устуворлиги индексини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур индекснинг қамрови йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда 119 мамлакат қамраб олинган бўлса, 2019 йилда 126 мамлакат, 2020 йилда эса 128 мамлакат баҳоланди.

Баҳолаш жараёнида ҳукуматнинг очиқлиги, жамиятнинг коррупциядан холилик даражаси, қонунларга риоя қилиниши, ҳуқуқ-тартибот, хавфсизлик, одил судлов каби соҳаларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ натижалар муҳим мезон этиб белгиланди. Ушбу индексда Ўзбекистон 128 та давлат ичида 92-ўринни эгаллаб, ўтган йилги индексдан тўрт поғона юқорилади. Бу МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши ижобий кўрсаткичдир.

Албатта, нуфузли халқаро рейтингда бундай кўрсаткичга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу мамлакатимизда кейинги йилларда давлат бошқарувиининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, халқ билан мулоқот қилиш механизмларини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашишнинг самарали услубларини жорий этишга қаратилаётган муҳим эътибор самарасидир.

Президентимизнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли

иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонда мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш белгиланган.

Жумладан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартибини жорий этиш, одил судловни таъминлаш, тadbиркорларнинг манфаатини муҳофазалаш, пропика тизимини ислоҳ этиш ва бошқа сазй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

# ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Бошланғич 1-бетда

Хозирча иссиқхона туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўрнанаётган. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Хозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иқтидорига қараб 10 миллион сўм ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни мустақил юрита олиш даражасига етган, ёш агрономларга 40 миллион сўмга ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона санаотида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яхши ишлаганларга кунлик, ҳафталик пул мукофотлари берилади. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териб ва қадоқлаш билан шуғулланади.

— Қишлоқ ҳўжалигида илм, янги дунёқараш пайдо бўлди. Мана, ишнинг кўзини билса, катта даромад олиш мумкинлигига мисол. Хоразмнинг ери шўр. Шундай жойларда замонавий иссиқхоналарни қўлайтириш, 100-200 гектарга етказиш керак. Ҳам одамларга иш жойи, ҳам экспорт бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Президент Янгиерик туманидаги "Хоразм пилла холдинг" корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллаҳона бўлган. Шу атрофда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббус билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйила бошлагани янгилик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллаҳона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган "Хоразм пилла холдинг" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқич-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилади. Бунинг учун тадбиркор

1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипақ, ипақ момиги ишлаб чиқарилади, 50 донна замонавий дастгоҳда ипақ гилам тўқилади, 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кутилмоқда.

"Хоразм пилла холдинг" қорхонаси бўйича илғор тажрибалар оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда "Хоразм ипағи", "Khiva silk fabric", "Urganch silwom pro" ва "Хоразм пилла холдинг" каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 мавсумий иш ўрни яратилиши мақсад қилинган.

"Хоразм пилла холдинг" қорхонаси жорий йил охирига қадар "Afghan Bazar Carpets" хорижий қорхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипақ, жун ва пахта таласи аралашмасидан қўлда гилам тўқиш оқиши режалаштирилган. Бу яна 200 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тўтасини ташкил қилишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб олади. Маҳсулотлар Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилинади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулидаги қорхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

— Ҳошам ётиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён ҳар бир туманда йўлга қўйилиши керак. Бу жараёнга асосан, тадбиркорларни жалб этиш яхши самара беради. Ўзбек ипақ маҳсулотларига бозор бор экан, бу каби кластерларни қўлайтиришимиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Маълумки, Хива жаҳон миқёсида тарихий шаҳарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очиқ осмон остидаги музей, дея эътироф этиладиган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

"Ичан қалъа"да ҳалқимизнинг ноёб меъморлик анъаналари, ажодларимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандлиги, санъати ва маданияти ўз ҳолича сақланиб қолган. Мажмуадаги 58 та тарихий-маданий

мерос объектларидан 17 тасида турли музейлар жойлашган.

Мажмуадаги тарихий обидаларни асл ҳолича сақлаш мақсадида реставрация ва консервация ишлари олиб борилмоқда. Музей-қўриқхонанинг шимолий қисмида, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда жойлашган Амир Тўра мадрасаси жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг 9,5 миллион долларлик грант маблағи ҳисобидан қайта тикланди. Натижада ушбу иншоот "Ичан қалъа"даги туристик объектлардан бирига айланди.

Мадраса 1872 йили барпо этилган. Чор Россиясининг Хоразмга ҳужуми тўғрисида қилиниши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморчилигига хос тарзда икки қаватли обида қурилиши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморчилигига хос тарзда икки қаватли қилиб қурилган. Бу ерда 54 та ҳужра бўлиб, ички саҳн қоши билан қўпланган. Шунингдек, 2 та гўмбазли хона, қишқи ва ёғзи масжидлар, дархона бўлган.

Давлатимиз раҳбари "Ичан қалъа"да халқимизнинг бебаҳо маданий мероси муҳасаб эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар ажодларимизнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Тарихий биноларни сақлаш ҳамда даврларда энг катта муаммо бўлиб келган. Хива Ўзбекистонда тарихий обидаларни таъмирловчи реставраторлар мактаби бўлган. Бугун ана шу мактабни қайта тиклаш вақти келди, — деди Президент. — Амир Тўра мадрасаси реставраторларни ўқитадиган мактаб бўлади. Бу ерда усталарга Самарқанд, Фарғона, Қўқон реставрация мактаблари анъаналари ўқитилади. Сайёҳлар кундузи реставраторлар ишини кўрса, кечки пайт бу ерда тарихий саҳналар, хон қабуллари намойиш этилади. Шундай қилсак, бу обидаларда ҳаёт қайнайд.

Туризм мамлакатимизда стратегик соҳалардан биридир. Хоразм вилоятида ҳам бу борада улкан салоҳият мавжуд. Ундан оқилана фойдаланиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоятда туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурда Хоразмнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш стратегияси белгиланган бўлиши билан бирга, келгуси икки йилда вилоятда 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Туризм лойиҳалари вилоятнинг барча туманларини қамраб олади.

Жаҳонда кузатилаётган коронавирус таҳдиди туризм бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бунинг олдини олиш ва соҳани барқарор ривожлан-

тириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилди. Давлатнинг институционал кўмаги, ҳукуматларо ҳамкорлик, логистика, туризм салоҳияти тарғиботи, ички туризм ойлиги ва ҳафталиклари, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" лойиҳалари ана шундай чоралар сирасига қиради. Шунингдек, минтақавий туризм лойиҳаси орқали коронавирус тарқалмаган қўшни давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириладиган бундай тадбирлар натижасида 580 минг хорижий сайёҳни жалб қилиш ва туризм хизматлари экспортидан 94 миллион доллар даромад кўриш режалаштирилган. Шунингдек, ички туризм орқали 5 миллион юрдошимизнинг саёҳатларини ташкил этиш ва қўшимча 840 миллилард сўм тушумга эришилади.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда таълим йўналишида лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Хоразм вилоятида Малайзиянинг "Vilayu" университети филиалини, Урганч давлат университетида маданий меросни бошқариш, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик йўналишларини очиб режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда ҳар йили туризм йўналишида 50-60 нафар малакали кадр тайёрланади.

Хоразм лагисига ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда Япония, АҚШ ва Европа давлатларида лагига қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу санъатни ёшларга етказиш, хорижликларга маҳорат дарслари ўтиш учун Хоразмда лагиз академияси ташкил этилади. Бу ҳам халқимизнинг номоддий маданий меросини дунёга тарғиб этишга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортиқ балиқчилик фермер ҳўжалиги мавжуд. Бу гастрономик туризмни ривожлантириш учун қўлай имкониятдир. Ундан фойдаланиш мақсадида 71 та қўлда халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини қўлайтириш мўлжалланмоқда.

Афсуски, бизда ҳозир фақат балиқ ови ва гастрономик хизматлар кўрсатилади. Аслида Хоразмда биргина ушбу йўналишда ундан ортиқ хизматни йўлга қўйиш мумкин. Бу йўналишни ривожлантириш ва келгусида Хоразмини балиқчилик, яъни "Fishing culture" марказига айлантириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Франция ва Россия телекомпаниялари билан Хоразм балиқчиликка бағишланган кўрсатувлар суратга олинмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда туризмнинг роли катта. Хоразм мисолида "Туристик маҳалла", "Туристик қишлоқ" концепциялари ривожлантирилади. Бунинг учун тўртта қишлоқ танлаб олиниб, уларда саксонга яқин меҳмон уйлари барпо этиш, ҳудудларнинг ҳўнармандлиги, агро ва этнотуризмни кўрсатиш мўлжалланяпти.

Вилоятда тематик паркларни ривожлантириш бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, Хоразм заминидан қўлаб буюқ ажодларимиз етишиб чиққан. Уларнинг мум ҳайкаллари ва фото зоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Улардан дастлабки тўрттаси "Ичан қалъа"да ўрнатилди. Йил охиригача ўндан зиёд ажодларимизнинг ҳайкаллари ўрин олади.

Хива туманида "Анор", "Анжир", Янгиерик туманида "Меннонот қишлоғи" тематик парклари барпо этилади. Натижада қўлаб янги иш ўринлари яратилади, ҳудудларнинг туризм жозибадорлиги ортади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шаҳарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

— Бизники сингари буюқ тарих ер зида жуда кам. Жалолиддин Манғубердидек буюқ ажодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боболаримиз тарихини ўргатадиган масканларни қўлайтирсак, ҳам даромад келади, ҳам халқимизга тарихимизни ўргатамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Хива шаҳридаги бирорта обида эътиборсиз қолмаслиги, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида дунёдаги гузал туристик масканлардан бирига айлиши лозимлигини таъкидлади.

Вилоятда туризмни ривожлантириш борасида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабида яратилган шароит билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда биллими ёшларни тарбиялаш учун мустақам пойдевор қўйилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани мактаб таълимини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш, барча соҳалар учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга имконият яратмоқда.

Президент мактабларининг дунёда мубоқбили йўқ. Ушбу ўқув дароҳлариде таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида дастлабки Президент мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқи равишда илҳам ва билим олиш учун қўлай. 2019 йил сўнггида фойдаланишга топширилган билим маскани вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув қўралари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилиши ҳам инновацион ёндашилган. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг "STEAM" дастури бўйича дарслик ва ўқув қўланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратди.

2019-2020 ўқув йилида 5-10 синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабиде дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

— Мана шундай масканларда қўлаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришадиган ютуқлар, юртимизга тегадиган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёнини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ТАНЛОВ

Муножат МЎМИНОВА,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

**Тошкент давлат техника университетиде иккинчи бор ташкил этилган "ROBOT-UZ-2020" республика танловининг саралаш мусобақаларига жорий йилнинг 10 март куни старт берилган эди. Кеча тадбирнинг финал мусобақалари ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

## "ROBOT-UZ-2020" ҒОЛИБЛАРИ



Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 420 нафар ўқувчи-ёшлар, иқтидорли талабалар, педагог ва тадқиқотчилар ҳамда корхоналарнинг ёш мутахассисларидан иборат жамоалар 6 та номинация бўйича иштирок этди.

— Танлов илк бор ўтган йили олий таълим муассасалари талабалари орасида илмий-техник ижодкорликни оммалаштириш, ёшларнинг муҳандислик масалалари ва замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўлаб-қувватлаш, уларда яратувчилик қўбилигини ривожлантириш мақсадида йўлга қўйилган эди,

— деди университетнинг илмий ишлаб бўйича проректори Шерзод Нейматов. — Бу йил эса 9-15 ёшли мактаб ўқувчилари ҳам жалб этилди. Бунинг боиси, биринчидан, улар ўзларидан катталарнинг ишланмаларини кўриб, янги-янги гоаялар устида ишласин. Иккинчидан, улар бўлажак талабалар. Биз уларнинг энг иқтидорлиларини аниқлаб, университетга жалб қилмоқчимиз.

Танловда робо футбол, робо сумо, кегельнинг номинациялари бўйича янги-янги иқтидорларни кашф этди. Самарқанд вилоятидан Шаҳзод Ганиев "Энг яхши фойдали иш жарувчи робот" номинациясида,


Тошкент шаҳридан Суннат Бўйуқлов "Робот сумо" йўналиши бўйича энг яхши лойиҳаларни тақдим этди. Ғолиблар махсус сертификатлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, танловда 16-25 ёш доирасида робо сумо, робо футбол, мобил роботлар пойгаси, фойдали иш жарувчи робот, интеллектуал робот номинациялари бўйича 182 нафар иштирокчи қатнашди. Шу рақамнинг ўзи танлов нуфузи ва ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти юксалиб бораётганининг далолатидир.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 11 МАРТ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИЙГИЛИШ ҲАҚИДА



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлиliga кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омиллар 15 фоизни, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади.



Ҳозирда жаҳон бўйлаб **КОРОНАВИРУС** инфекциясининг (COVID-19) тарқалиши юртимиз аҳолисини ҳам маълум маънода хавотирга солмоқда. Дунёда жамоат саломатлиги тизимини, гўёки, синодан ўтказадиган ушбу хасталикнинг **ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИБ КЕЛМАСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, АВАЛЛО, МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ, ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КўТАРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ**, деди давлатимиз раҳбари.



Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига Аҳоли соғлом турмуш тарзини қўлаб-қувватлаш марказини бириктириб, Агентлик салоҳиятини ушбу вазифаларни самарали ташкил этишга қаратиш кераклиги таъкидланди.



**ИНСОННИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ОХИРСОНИЙ ФАОЛЛИК, ОВҚАТЛАНИШ, ЗАРАРИЙ ОДАТЛАР) УНИНГ САЛОМАТЛИГИГА ЭНГ ЮҚОРИ ТАЪСИР КўРСАТАДИ.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига бу борада кўрилатган **КАРАНТИН ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ БўЙИЧА ҚўШИМЧА Топшириқлар берилди.**



Агентликнинг вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарларда алоҳида марказлари ташкил этилади. **Қишлоқ ПОЛИКЛИНИКАЛАРИДА БУ ИШЛАРНИ САМАРАЛИ Йўлга қўйиш учун УЧТАГҲА МУТАХАССИСЛАР АЖРАТИЛАДИ.**



Самарқанддаги **ТИББИЙ ПАРАЗИТОЛОГИЯ Илмий-тадқиқот институти клиникаси ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР Илмий-текшириш институти билан БИРМИКТИРИЛАДИ.** Улар негизда Эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар республика илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, **ДАВОЛАШ ЖАРАЁНИ ИЛМ БИЛАН БИРГА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига илғор хорижий тажриба асосда аҳоли саломатлигини яхшилаш, одамларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.



**АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ, аввало, қишлоқлардан бошланғичи ва бунга жавоб берадиган ЯХЛИТ ТИЗИМ БўЛИШИ КЕРАКЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**

Қишлоқ врачлик пунктлари аҳолини юкумли ва юкумли бўлмаган касалликлар бўйича мақсадли табиий кўрик ва сўровдан ўтказишни ташкил этиши зарурлиги айтиб ўтилди.



**Н.И.ПИРГОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ТИББИЁТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ** ҳамда **Туркиянинг БАҲЧЕШЕХИР УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛ ВА КЛИНИКАЛАРИНИ ОЧИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ КЕРАКЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**



ЗАМОНДОШ

ИЛМЛИ ВА ТАШАББУСКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ БОЙЛИГИДИР

Сирдарёнинг жўшқин сувлари кудратидан яшил тусда мавж ураётган кенгликлар, ҳосилдор далау боғларни кирза этикда кезиб чарчамайдиган бир аёл борлигини илгари ҳам эшитгандик. Аввалги сафар суҳбат иштиёқидида излаб борганимизда сирдарёликлар "Уни бежиз Тўмарис деб атамаймиз", дея одам эшитса хурсанд бўладиган хайрли ишларига таъриф берганди. Қахрамонимиз ниҳоятда ҳоқисор ва камтар, шу билан бирга, ҳар қандай муаммо ечимини топишдаги шижоати билан катта таассурот уйғотганди.



киришларини жуда хоҳлайман. Юртимизда кечаётган ислохотлар аини шу мақсадларга қаратилгани истиқболимизга некибиллик билан қарашимизга асос бўла олади.

— Сир эмас, баъзи ҳокимларимиз фаолияти юртошларимизнинг эътирозлари ва норозиликларига сабаб бўлмоқда. Аёл раҳбар сифатида бугунги талаблар ва мезонлар сизни чўчқитмайптими?

— Боевўт тумани Сирдарё вилоятининг энг катта туманларидан, аҳоли турмуш шароити ҳам барча жойда кўнғилдагидек, деб бўлмайди. Аввало, бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар қуриб ишга тушириш, одамларни иш билан таъминлаш зарур. Онам вазифадан кейин бир этак бола етим қолганимиз. Дадам ўқитувчилик қиларди. Бир парча еримизга уч марталаб экин экиб, ҳосил олардик. Рўғоримизнинг баракиси шу томорқадан эди. Шу маънода, одамларимиз дунёқарашини ўзгаришимиз, томорқадан унумли фойдаланишни ўргатишимиз лозим. Фаолиятини аввалда аҳолига тўлақонли меҳнат қилиши учун ахши шароит яратиш, турмуши фаровонлигини таъминлаш каби долзарб вазифаларни мақсад қилиб олдим.

Қадимда босқинчилар бир элни босиб олишдан аввал жосу юбориб, ўша эл аёлларининг кайфиятини ўрганар экан. Аёллари хорланган, улларга зулм қилинган элларни тезгина босиб олишаркан. Чунки аёллик шаъни қадрланмаган юрт қудратли бўлолмайди. Ўзи камситилган аёл фарзандларига маънавий озуқа беролмайди. Биз эркакларимиз, ўғилларимизни, аввало, онани, аёлни, опа-сингил ва қизларимизни авайлаб-асрашга ўргатишимиз лозим. Эркакнинг ори айнан шулар, шуларнинг кўзидан оққан ёш эркакнинг кимлигини айтиб беради.

Минг шўқрим, юртимизда аёлларнинг қадри баланд, эркаклик шаънини юксак тутадиган юртошларимиз кўпчиликини ташкил қилади.

— Сирдарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимда ишлаган чоғларингизда кўпроқ қайси муаммолар сизни ташвишга соларди?

— Ҳаёт сўмоқларида чорасиз қолган аёлнинг кўнғилдан нималар ўтишини жуда ахши биланаман. Ун нафар фарзандни дунёга келтирган онам барвақт дунёдан ўтгач, тўнғич фарзанд бўлганим учун ука-сингилларимни ўзим катта қўлимда, мактабда ўқитиш ҳам ташлаб қўймадим. Оддий ўқитувчи оиласи фарзандиман, халқни, аёлларни қийнаётган муаммоларнинг

бирортаси мен учун янгилик эмас. Ҳар бир аёл, аввало, ўз руҳияти ва билими билан ҳаёт машаққатларини енгишга ҳамisha тайёр бўлиши керак. Ҳар қанча кўмак берманг, ўша инсоннинг ўзида ҳаракат, интилиш ва умид бўлмаса, унинг ҳаёти ўзгармайди.

— Гендер тенглик мавзусида нима дея оласиз? Бу масалада сўнгги вақтларда юртимизда катта ўзгаришлар юз бермоқда...

— Айтиш жоизки, жамиятимизда эркак-аёл тенглиги Конституциямизда белгилаб қўйилган эса-да, менталитетни бахона қилиб, хотин-қизлар камситилган ҳолатларни кўп кузатганман. Президентимизнинг хотин-қизларга ишончи туйғайли вазият яхши томонга ўзгармоқда, жамиятимизда фаол, ташаббускор, масъулиятни зиммасига оладиган аёллар сафи кенгаймоқда. Билимсизлик энг ёмон чорасизликдир. Матридатли ва илмли аёл эса ҳар қандай вазиятда одамийлигини, ўзига, келажикига ишончини сақлаб қолади.

— Алишер Навоий "Яхши хотин оиланинг давлати ва бахти", деганди. Сиз, аввало, оилали аёл, уй бекаси...

— Халқимизда "Аёл киши ўт-ўчоқ" деган мақол бор. Аёл уйнинг баракиси, фариштасти бўлиши билан бирга тарбиячи ҳамдир. Шундай экан, ўзбек аёлининг илмли, заковатли бўлиши барчамизнинг, бугун юртибелатган сўбсатимизнинг мақсадиридир. Аёли оқила ва маърифатли оилада тинчлик-хотиржамлик ҳўм суради. Оила бошлиғи бўлган эркакларимиз ҳам уйда яхши муҳит ҳўм сурганидагина ўз фаолияти билан астойдил шуғулланади. Бундай оилалар жамиятимизнинг мустаҳкам пойдевори, илмли, жасоратли ва ташаббускор хотин-қизлар эса давлатдир.

Оила — муқаддас, барча опа-сингилларим каби ҳаётимни оиламиз тасаввур қила олмайман. Қизларим, ўғлимнинг тарбиясида илгари ука-сингилларимни тарбиялаган орттирган таърибамни қўллайман. Ақлини таний бошлаши билан фарзандларимизни меҳнатга ўргатдик. Мўъжазгина томорқимизда дам олиш кунларидида ҳаммаимиз бирга ишлаймиз. Бекорчилик безорилик, бахтсизликнинг йўли, деб ҳисоблайман. Фарзандларим дадаси ва онасига ёрдам бериш, улари уялтириб қўймаслик учун аъло ўқини, катталарни ҳўрмат, кичикларни иззат қилиши ўз бурчлари деб билдилар. Халқ қизматидида бўлганим учун баъзан хондонимнинг кам-қўстига қарай олмай қолганимда, қизимнинг ширингина пиширган ош-овқати, ўғлимнинг ҳовлини саранжом тутганини қўриб, бошим кўкка етади. Албатта, фарзандларим онасининг, дадасининг шу кўнғари осонлиқга эришганимизни билди ва биздан ибрат олади, деган умиддаман. Уларнинг эл дуосини оладиган одам бўлиб етишига эса доимо масъульман.

Туманга ҳўким бўлиш катта бир оилага масъул бўлиш ҳам демақдир. Агар шу тумани ўз уйинг, халқини ўз оиланг деб билмасанг, бу масъулиятни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Эндиги вазифам — халқимизнинг Президентимизнинг ана шу ишончини оқлаш, бунинг учун кечани-кеча кундузни-кундуз демай меҳнат қилиш.


М.ТОЖИМАТОВА  
суҳбатлашди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Алишер АЗИМОВ

Мамлакатимиз солиқ тизимидидаги ислохотлар миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилмоқда. Солиқ тўловчилар учун замонавий дунё талабларига янада берадиган муносиб шароитларни яратиш, бу борадаги мажбуриятларнинг ихтиёрийи ва содда тартибда бажарилишини таъминлашни эса бугунги тезкор давринг ўзи тақозо этаётир.

Ислохотлар ва ишбилармонлик



Давлат солиқ қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги матбуот анжумани "Амалга оширилган солиқ ислохотларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ва ишбилармонлик муҳитига таъсири" мавзусига бағишланди.

Тадбирда солиқ ислохотларини амалга ошириш доирасида эришилган натижалар ва олдинда турган вазифалар тўғрисида маълумот берилди. Хусусан, 2019 йилда суғурта бадали бекор қилинди ва иш ҳақи бўйича солиқ ставкалари пасайтирилиб, бу иш ҳақи солиқларига солиқ юкани 1,5 баравар камайтиришга олиб келди. Шу билан бир қаторда, давлат мақсадида жамғармаларига 3,2 фойз миқдорда ажратмалар бекор қилинди, даромад солиғи, айланмадан солиқ, мол-мулк солиғи ва яққа тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари камайтирилди.

Ушбу чора-тадбирлар фақат ўтган йилда 11,7 триллион сўм миқдордаги маблани бизнес тасаруфига қолдириш, аҳолининг реал даромадларини 4,2 триллион сўмга қўйиштиришга имкон берди. Шунингдек, 500 мингта иш ўрни ва 100 мингта яқин янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Бу эса 2018 йилдаги нисбатан қарийб икки баравар кўп демақдир.

Солиқ ставкаларининг пасайиши ва айрим солиқларнинг бекор қилинишига қарамай, 2019 йилда бюджетта солиқ тушумларининг 2018 йилга нисбатан 154 фойзга ўсиши таъминланди.

Кичик бизнеснинг рақобатбардошлигини ошириш учун шароитлар яратилиши ҳисобига, қўшилган қўйимат солиғи тўловчиларининг сони 82,4 мингтага етди ёки солиқ ислохотларининг бошланғичига нисбатан 12,2 бараварга ошди.

Солиқ ислохотлари даврида адолатли рақобатни таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва боққона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга асосан, ўтган йилнинг 1 августидан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ ҳўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қўйимат солиғини тўлашга ўтиши мумкинлиги белгиланб қўйилди.

Шунингдек, ҚҚСнинг узлуқсиз "занжир"ни шакллантириш мақсадида Президентимиз томонидан 2019 йил 26 сентябрда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сўбсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга асосан, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ҚҚСнинг ставкаси 20 фойздан 15 фойзга пасайтирилди.

Агар бу кўрсаткиччи МДҲ давлатларида ҚҚС ставкалари билан таққослайдиган бўлсақ, Россия, Беларусь, Арманистон ва Молдовада 20 фойзини, Озарбайжон ҳамда Тожикистонда 18 фойзини, Туркменистонда 15 фойзини, Қозғистон ва Қирғизистонда 12 фойзини ташкил этади.

Давлат солиқ қўмитаси 2019 йилнинг ўзида Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва Россия Федерал солиқ хизматидан 145 эксперт ва 66 делегацияни қабул қилди. Хорижий экспертлар ДСҚ раҳбарияти билан ўтказган музокараларида ислохотлар жараёнида биринчи навбатда, давлат бюджетининг барқарор даромадларини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Шунга қарамай, ҳар ойда ҚҚС тўлашдан бўйин товлаш, қалбаки ҳўсб-фактуралардан фойдаланиш ва даромадларни яшириш ҳолатлари аниқланмоқда. Бунда "ҚҚС фарқи" 250-300 миллиард сўмини ёки ойлик даромаднинг 20 фойзини ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда ҚҚСни қўллашда илгор таърибага эга бўлган IT-технологиялар ва махсус дастурий махсўлотларни жорий этиш борасида ишлар олиб борилмоқда, — деди Давлат солиқ хизмати раиси ўринбосари Фазлиддин Умаров. — Бу эса "ҚҚС фарқи"ни 0,5 фойзга камайтиради. Европа давлатларида бу кўрсаткич 10 фойзгачани ташкил этади. 2019 йилда бюджет даромадлари ва мақсадили фондлар 137 триллион сўмини ёки ЯИМнинг 26,1 фойзини ташкил этган. Шундай қилиб, иқтисодиётга солиқ юки 0,4 фойзга камайишига эришилди.

Аваллари, Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарор билан барча солиқ ва бошқа тўловлар ставкалари тасдиқланган бўлса, эндиликда ҚҚС, фойда солиғи, айланмадан олиннадиган солиқ, даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ихтиёрий солиқ ставкалари Солиқ кодекси билан тасдиқланди. Аққиз солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари эса Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун билан тасдиқланди.

Айни пайтда халқаро экспертлар билан биргаликда 2020 йил 1 январдан бошлаб солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш бўйича уч йиллик дастур амалга оширилмоқда. Бунда электрон ҳўсб-фактуралар, онлайн-касса техникалари, алқоголь ва тамаки махсўлотларини маркировкалаш, Электрон бухгалтериялар ва транспорт ташуви бўйича ягона платформа яратиш босқичма-босқич таъминланади.

Замонавий солиқ маъмуриятчилиги усуллари ҳисобланган ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши солиқларни тўловдан бўйин товлаш схемаларини бартарф этишга, иқтисодиётнинг шафқатлилашига олиб келади. Шунингдек, солиқ юкани янада камайтириш масаласини қўриб чиқиш учун замин ҳозирлайди.

ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ

СУВНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ қандай самара беради?



Сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда сувни тежайдиган илгор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Улар ичида томчилатиб суғориш амалиётининг самараси бугун дунёда тун олинмоқда. Мамлакатимизда айни пайтда 130 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлиб, шундан томчилатиб суғориш технологияси 77,4 минг гектарни ташкил этади. 2020 йилда сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни 250 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Техжамкор технологиялар қўлланиладиган майдонлар 2025 йилга бориб жами 1 миллион гектарга, жумладан, томчилатиб суғориладиган майдонлар 250-300 минг гектарга етказилади.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агрологистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирилиши алоҳида қайд этилди. Шунингдек, 2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилиши белгиланди. Сув ҳўжалиги

объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарурлиги таъкидланди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида Сув ҳўжалиги вазирлиги Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази директори Воҳид Аҳмаднов билан суҳбатда бўлди. — Президентимизнинг парламента Мурожаатномасида белгилаб берилган асосий вазифалардан бири бу — Сув ҳўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишдир, — дейди В.Аҳмаднов. — Айни пайтда мазкур

концепция лойиҳасини тайёрлаш жараёнига Осий тараққиёт банки, Жаҳон банки, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг грант маблағлари ҳисобига халқаро экспертлар ҳамда сув ҳўжалиги соҳаси учун истиқболни белгиловчи ҳужжатларни ишлаб чиқишга ихтисослашган Австралиянинг "Aither" компанияси мутахассислари жалб этилган.

Концепцияда асосий эътибор, соҳада сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш борасида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ва бетонлаштириш ишларини амалга ошириш орқали уларнинг фойдали иш коэффициентларини яхшилаш, 1 миллион гектардан ортқ майдоннинг сув таъминотини яхшилаш, мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш эвазига шўрланган майдонларни ҳар йили 1 фойзга камайтириш, шунингдек, 298,5 минг гектар фойдаланишдан чиққан майдонларни қайта фойдаланишга киритиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, 2030 йилгача хизмат муддатини ўтаб бўлган насос агрегатлари ва двигателларни энерготехжамкорларга алмаштириш ҳамда насос станцияларини энерготехжамкорлик билан жиҳозлаш ҳисобига электр энергияси истеъмолчини қисқартириш ҳамда 50 та сув ҳўжалиги объектини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга бериш вазибалари ўрин олади.

СУВ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Мурожаатномада сув ҳўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини замонавийлаштириш зарурлиги қайд этилган. Бу борада вазирлик тизимда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан имзоланган битимга мувофиқ, республикамизнинг асосий йиллик сув объектларига замонавий "Ақли сув" тизими жорий қилинган. Утган йили KOICAнинг грант маблағи эвазига молиялаштирилаётган лойиҳа доирасида 61 та сув ҳўжалиги

объектларига сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилди.

Бундан ташқари, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси тўғрисидаги маълумотларни онлайн узатиш, мониторинг юритиш ҳамда суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини яратиш мақсадида 2020 йилда 2 минг дона, 2025 йилда 6 минг дона ва 2030 йилгача 27 минг 270 дона кузатув қуруқларида геохоброт тизимлари ўрнатилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда 2020 йилда 10 та, 2020-2021 йилларда 20 та ва 2030 йилгача 100 та сув ҳўжалиги объектларини бошқариш жараёнлари ва сувни назорат қилиш ишлари автоматлаштирилди.

Сув ҳўжалигидаги илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот ва таъриба-конструкторлик ишларини амалга оширишга жорий йилда ўтган йилга нисбатан 2,2 баравар кўп ёки 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилди. 2021—2022 йилларда ушбу рақамни 3,5 миллиард сўм ва 2030 йилгача 5 миллиард сўмгача етказиш назарда тутилган.

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Президентимизнинг Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жорий йилда республикамиз бўйича 44 минг гектардан зиёд майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 24,8 минг гектар пахта майдонидида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш режалаштирилган. Унинг молиявий жиҳатлари ҳам ҳисобга олиниб, қишлоқ ҳўжалиги экин тури, суғориш технологияси ва ернинг бонитет бадиан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш тизимлари учун гектарига 8 миллион сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 миллион сўм, дискретли суғориш учун 1 миллион сўм ажратиш назарда тутилган. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хошмашини ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фойза харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фойза ставкасида бир гектарга 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фойзи миқдорда қўллаб берилди.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири,  
Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди



Гулчехра ДУРДИЕВА

Яқинда Ўзбекистонга Европдан мўйна, гўшт ва тивит берадиган зотдор қуёнлар олиб келина бошланди. Бу ҳақда ҳатто Россиянинг “Россия 24” телеканали янгиланган дастури ҳам хабар тарқатди. Вокеннинг нимаси эътиборга моликки, МДХдаги энг етакчи оммавий ахборот воситалари орқали хабарлар тарқатилмоқда?

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЁНЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ҚАНДАЙ?

— Чунки биз Европдан келтирилган бундай зотдор қуёнлар ҳали постсовет макондаги бирорта давлатда йўқ. Мамлакатимиз бу борада биринчи бўлди, — дейди Ўзбекистон қуёнчилик ҳўжаликлари ассоциацияси бошқаруви раиси, “IBRA-KROL” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдураззоқ Ибрагимов. — Европдан оқ ва қора ангора, Тюринген сатини, Вена ҳаворанг зоти, Европа шиншилласи, Бельгия қуёни, ҳаворанг ва жигаранг мардер ва сиам зотли қуёнлар олиб келиняпти.

— Мамлакатимизда қуёнчиликнинг бугунги ривожланиш суръати қандай?

— 2019 йил 31 октябрда Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда қуёнчиликни жадал ривожлантириш масаласи ҳам муҳокама этилиб, тегишли ташкилотлар зиммасига 2020 йил якунига қадар республикамизда қуёнлар бош сонини 3 миллионга етказиш, унинг ички истеъмолни, экспорт қўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилган. Шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 3 та ишчи гуруҳ тузилди. Улар барча вилоятларда бўлиб, қуёнчилик ҳўжаликлари фаолиятини яқиндан ўрганди ва амалга оширилажак ишларни белгилаб олди. Утган йили ассоциациямиз томонидан Ўзбекистонда қуёнчиликни ривожлантириш концепцияси ҳам ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2020 — 2024 йилларда республикамизда қуёнчилик кластерларини ташкил этиш дастури шакллантирилди.

— Бундай кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари қандай кетяпти?

— Дастур доирасида 2024 йилгача жами 900 минг бош ургочи қуёнга эга 7 та қуёнчилик кластери ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу кластерлар 45 мингта шахсий томорқа ҳўжалигини қамраб олади. Натижада 2300 дан зиёд янги иш ўрни вужудга келиб, 29 минг тонна парҳез гўшт етиштирилади.

Шу кунларда Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида қуёнчилик кластери фаолиятига старт берилди. Юқорида қайд этганимиз зотдор қуёнлар айнан шу кластерга олиб келинмоқда. Бу инвестиция лойиҳасининг қиймати 12 миллион долларга тенг. Корхонада 380 нафар ишчи меҳнат қилади.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида эса қиймати 1,7 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси қуёнчилик ва экотуризмни ривожлантиришга йўналтирилган. Ҳозир бу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлар бошланган.

Умуман, ҳисоб-китобларимизга кўра, ички ва ташқи бозорларга 160 минг тонна парҳез гўшт етказиб бериш салоҳиятига эгамиз.

— Соҳанинг инвесторларни жалб қиладиган қандай афзал жihatлари бор?

— Уй ҳайвонлари ичида энг тез етиладигани қуёндр. Масалан, бузоқнинг вази 47 кунда икки баробар оша, қуён боласи бундай натижага 6 кунда

эришади. Қуёнчилик билан шуғулланиш кони фойда. Томорқасида 20 бош ургочи қуён боққан одам, барча харажатлар чиқариб ташланса, бир йилда 22 миллион сўмгача фойда олиши мумкин. Бир бош ургочи қуён йил давомида 138 тагача болалайди, болалари жуда тез етилади, ўз навбатида, улар ҳам насл беради. Бунча қуёндан йилига 300 килограмм атрофида гўшт ола бўлади. Ҳатто битта қорамолдан бир йилда шунча гўшт олишининг иложи йўқ. Яна бир афзаллиги шуки, қуён терисидан тикилган турфра либослар, пойабзалларнинг бозори чаққон. Жаҳон бозорида улар 1 минг евродан 4 минг еврогача сотилади. Қуён ёғидан косметология ва фармацевтика саноатида хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Қонининг зардобидан (3 литр қондан 1 литр зардоб олинади) 59 турдаги дори воситалари тайёрланади.



Қуён гўштида холестерин миқдори ҳам жуда кам. Бундан ташқари, қуён гўштида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган лецитин каби моддалар мавжуд. Шу боис, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсон йил давомида истеъмол қиладиган гўшт маҳсулотларининг 5 фоизи, яъни 4,5 килограмми қуён гўшти бўлиши кераклигини тавсия этмоқда.

Яна бир қизиқ жihatта эътиборни қаратмоқчиман. Ҳозир дунёда чорва моллари, бройлер товуқларнинг етилишини жадаллаштириш, вазинни устириш учун гормонлар кенг қўлланилади. Гўшт таркибида сақланган бундай дорилар эса одам соғлиғига катта зиён. Бироқ қуёнчиликда бундай технологиядан фойдаланиб бўлмайди. Сабаби, бу нолик жониворнинг организми гормонлар таъсирига бардос берадими, оқибатда тезда нобуд бўлади.

— Сўнги вақтларда “Ҳалол” сертификатига эга маҳсулотларга талаб ортмоқда. Соҳада бу борада қандай ишлар режалаштирилган?

— Ҳалоллик сертификатига эга бўлиш бугунги кундаги озиқ-овқат саноати учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Халқаро стандартлаш ва сертификатлаш маркази билан шартнома тузганмиз. Бу Ўзбекистонда замонавий қўшоналар ташкил этиш, шу йўналишдаги талаб ва тақлифларни ўрганишга қўл келди. Германиянинг “Teve-Elektronik” компанияси айнан қуёнчилик ҳўжаликлари учун замонавий технологиялар, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш билан шуғулланади. Компания вакиллари юртимизда шундай корхонани ташкил этиш бўйича ҳам тақлиф берди. Мухими, улар фикримизга қизиқиш билдирди. Яқин келажақда тақлифимиз амалга ошириб қолса, ажабмас.

Умуман, қуёнчилик соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиришга катта эътибор қаратяпмиз. Масалан, Венгрия вакиллари билан қуёнлар озуқа базасини яратиш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, малакасини ошириш, юртимизга замонавий технологияларни жорий қилиш масалаларида келишувлар имзоладик. Италия ва Германия қуёнчилик уюшмалари билан ҳам доимий алоқалар ўрнатганмиз. А.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университети, Москва қишлоқ ҳўжалиги академияси вакиллари билан қуёнлар озуқаси бўйича кадрлар етиштириш, соҳага оид қўлланмалар тайёрлаш бўйича шартномаларимиз бор. Буюк Британиянинг “Эйсенбах энд Петтерсон” компанияси билан ўтказилган музокараларда юртимиз қуёнчилик тармоғига 2 йил давомида 12 миллион долларлик сармоя йўналтириш борасида келишувга эришилди. Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида илк бор Халқаро қуёнчилик форуми ва кўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган. Унда соҳадаги халқаро алоқаларимизни янада кенгайтириш имконияти яратилади.

1 литр зардоб 200 АҚШ доллари туради. Миясидан тайёрланган қуёнга эса тиббиётда талаб катта. 1 килограмм бундай қуёндан нархи 30 минг доллар.

Тахлилларимизга кўра, қуён маҳсулотлари экспорти ҳажмини қарийб 650 миллион АҚШ долларига етказиш имконияти бор. Бу эса мазкур соҳа жуда истиқболли эканини кўрсатади.

— Шундай истиқболли ва даромадли соҳанинг юртимиздаги ривож кўнчилигидек эмас. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

Бир бош ургочи қуён бир йил давомида 138 тагача болалайди, болалари жуда тез етилади, ўз навбатида, улар ҳам насл беради. Бунча қуёндан йилига 300 кг атрофида гўшт ола бўлади.


— Халқимиз қорамол, қўй, товуқни кўп боқади ва биз, асосан, уларнинг гўшти ва бошқа маҳсулотларини истеъмол қилишга ўрганганмиз. Баъзида мана шу стереотиплар ҳам соҳа раванқиға халал берган.

Бундан ташқари, шу пайтгача қуёнчилик ривожига эътибор суст эди. Одамларни қизиқтириш, соҳага инвестиция жалб этиш, бунинг учун рағбат ва имтиёзлар бериш масалалари эътибордан четда қўлиб келган. Аммо сўнги йилларда вазият тубдан ўгарди. Юқорида айтганимдек, соҳага катта инвестициялар жалб этилмоқда. Асосийси, халқимизда қуёнчиликка қизиқиш уйғонди. Шуларни назарда тутганда, соҳа ривожига жадаллаштиришга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қолаверса, дунёда қуёнчилик маҳсулотларига талаб ошиб борапти. Бунга сабаблар кўп. Масалан, олимларнинг тадқиқотларига кўра, истеъмол қилинган 100 грамм қорамол гўштининг 62 фоизи хазм бўлса, бу кўрсаткич қуён гўштида 90 фоиздир.

### МАШҒУЛОТ

## “ОРОЛ ВА ЁШЛАР” ЭКСПЕДИЦИЯСИ МЎЙНОҚДА



Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йилдан бошлаб Мўйноқ туманидаги “Шағирли” овул фуқаролар йиғини ҳудудда ўқув-амалий машғуллар ўтказиладиган полигон ташкил этилган эди.

Кеча Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида жами 48 нафар ўқитувчи ва талаба Қўнғирот тумани темир йўл вокзалида тантанали равишда қуёни олиниди ва у ердан Мўйноқ туманидаги ўша полигонга йўл олди. Ёш биологлар, устозлар ва университет раҳбариятидан ташкил толган гуруҳ полигонда бу йил иккинчи мартаба машғуллар ўтказди.

— Ушбу хайри иш иштирокчилари “Орол ва ёшлар” ширини остида 10-18 март кунлари Орол ҳудудда амалга оширилаётган ишларга кўмаклашиш ҳамда экспедиция давомида ЎЗМУ ўқув-илмий полигонда қўшимча

кўчатлар экишни режалаштирган, афрод-мухитни муҳофаза қилиш кўмитаси матбуот котиби Улбўсин Мирзаназарова. — Бундан ташқари, улар иштирокида агротехник тадбирлар ўтказилади, инновацион ишланмалар орқали Оролқумда бир гектарли янги галофит, псаммофит ўсимликларнинг оналик плантациялари яратилади.

Шуниндек, олимлар, талабалар каталпа, ясин, эман, чинор, шумтол ва қайрағоч ниҳолларини ҳам ўтказди. Утган йили кўкармай қолган ниҳоллар ўрнига янгидан кўчатлар экилади.

### ДАСТУР

Дилшодбек ҚИРҒИЗОВ, Давлат статистика қўмитасининг ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи

Ҳар бир ислоҳот замирида инсон омили туради, унинг қандай шароитда яшashi, соғлиғи, таълим-тарбия олиши энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказиш вазифаси доимо устувор вазифа ҳисобланган.

## МУЛЬТИИНДИКАТОР КЛАСТЕР КУЗАТУВЛАРИ

оналар ва болалар турмуш тарзига оид статистик маълумотларни янгилайди ва уларни халқаро маълумот базаларида акс эттиради

Бунда аёллар саломатлиги, репродуктив саломатлиқига катта эътибор қаратилади, зеро, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг асосий ижтимоий хизматлардан фойдаланишини яқшилатиш, қашшоқлик билан курашишда ҳаракатларни бирлаштириш, касалликлар тарқалишини камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан узвий боғлиқ бўлади.

Халқаро миқёсда ўрганиладиган, таҳлил этиладиган бундай жараёнлар уй ҳўжаликлари тасодифий танланма кузатуви билан халқаро мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) дастури мавжуд бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (UNICEF) томонидан ишлаб чиқилган.

MICS, асосан, болалар ва аёллар ҳолатини баҳолаш мақсадида маълумотлар йиғида. 20 йил ичида 28 та кўрсаткичдан 200 та кўрсаткичгача тақомиллашган. Мультииндикатор кластер кузатувининг 5 та босқичи амалга оширилган бўлиб, ҳар бир босқичда кўрсаткичлар сони ортиб борган.



1995 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ўтказилган дастлабки босқичда болаларни иммунизациялаш (эмлаш) бўйича маълумотлар йиғилган бўлса, 2000, 2005 йилларда болалар таълими ва интизоми ўрганилган жараёнлар Ўзбекистонда ҳам олиб борилган. 2015 йилдаги таҳлилларда ёш авлодининг ҳар томонлама қандай ҳолатда ривожланаётгани бўйича маълумотлар тўпланган.

MICS кузатуви 1990 йилда 28 та давлатда

### МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ВА РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН MICS КУЗАТУВЛАРИ

T/P	Давлатлар номи	MICS1	MICS2	MICS3	MICS4	MICS5	MICS6
1	Озарбайжон		2000				2020
2	Беларус			2005	2012		2019
3	Қозғоғистон			2006	2010-2011	2015	2020
4	Қирғизистон	1995		2005-2006		2014	2018
5	Молдова		2000		2012		
6	Тожикистон		2000	2005			
9	Туркменистон	1995		2006		2015-2016	2019
7	Украина		2000	2005	2012		
9	Ўзбекистон		2000	2006			2019-2020
	Жами МДҲ давлатлари бўйича	2	5	7	4	3	6

ўтказилган бўлса, 1995-2015 йиллар мобайнида 108 та мамлакатда 277 мартаба шундай тадбирлар амалга оширилиб, она ва бола саломатлиги, болалар ҳуқуқлари ва уларнинг таълим олиш даражаси, соғлом ва жисмоний ривожланиш ўрганилиб, улар тўғрисидаги статистик маълумотлар жамланган. Дунё миқёсида Мультииндикатор кластер кузатуви билан 6-босқичи бошланган бўлиб, шу кунга қадар 119 та давлатда MICS кузатуви амалга оширилган.

Ўзбекистонда навбатдаги Мультииндикатор кластер кузатувининг ўтказилиши мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чоратadbirlar тўғрисида” қарорига биноан, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги 2020-2021 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро болалар жамғармаси (UNICEF) билан биргаликда MICS кузатувини ўтказиши белгилаб берилган.

Президент қарори ижросини таъминлаш ҳамда республикада болалар ва аёллар ҳолатини халқаро даражада баҳолаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлда “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, мазкур кузатувининг 6-босқичи 2020 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Давлат статистика қўмитаси кузатувини ўтказиш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланди. Маълумотлар жойларга чиқилиб, шахсан суҳбатлашиш орқали планшетларда электрон кўринишда йиғилади.

“Мультииндикатор кластер кузатуви” лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат статистика қўмитаси ва БМТ Болалар жамғармаси (UNICEF) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида уч томонлама келишув имзоланди ва миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби ҳамда кузатувини ўтказиш схемаси тасдиқланди.

Кейинги пайтда бу борада бир қатор тадбир, семинар ва ташкилий ишлар амалга ошириб келинмоқда. MICSнинг глобал дастури томонидан тақлиф этилаётган саволномалар ва саволномаларга тааллуқли модуллар белгилаб олинган. Ушбу тадбирдан қўзланган мақсад аҳолининг яшаш шароитлари тўғрисидаги маълумотларни, 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёллар билан ўтказилган сўровнома натижаларини, 5 ёшгача бўлган болалар тўғрисида оналари ёки вазиларидан олинган аниқ маълумотларни, аҳоли турмуш даражаси, яшаш жойи (шаҳар ёки қишлоқ) ва жинси бўйича тўпланган барча маълумотларни мамлакатлар миқёсида халқаро даражада таққослаш имконини беради. MICS жараёнида йиғилган асарият статистик маълумотлар фойдаланувчиларга бепул тақдим этилади.

БМТнинг Болалар жамғармаси (UNICEF) билан ҳамкорликда мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш натижасида мамлакатда оналар ва болалар турмуш тарзига оид статистик маълумотларни янгилашга ва уларни халқаро маълумот базаларида акс эттиришга эришилади. Кузатув натижаларига кўра, шаклланган кўрсаткичлар уй ҳўжалиги бўйича Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичининг 40 фоизини қамраб олади. Бу эса, ўз навбатида, Жаҳон банкнинг “Статистика фаолияти самардорлиги рейтиниги” да мамлакатимиз кўрсаткичлари юқсалишига хизмат қилади.

«БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ»



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ўқув маркази

Рисолат ҲАЙИТКУЛОВА

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси доирасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳоли ва ёшлар учун Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда. Ана шундай марказ Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида ҳам иш бошлади.

— Мазкур ўқув маркази ёшларнинг кадрдон масканига айланади, — деди маросимда иштирок этган Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбари Шухрат Содиқов. — Ишончим комилки, маҳаллий ҳокимликлар жорий йилда вилоятнинг барча туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этишда ҳар томонлама кўмакдош бўлади.

Ўқув марказини ташкил этиш учун «Ўзбектелеком» АК Хоразм филиалига қарашли бўш турган бино танлаб олинди, туман ҳокимлиги кўмагида тўлиқ таъмирдан чиқарилди ва замонавий компьютер технологиялари, робототехника жиҳозлари, киберспорт ўйинлари ускуналари ҳамда бошқа энг сўнгги

русумдаги техника воситалари билан жиҳозланди. Бу ерда ахборот технологиялари, дастурлаш соҳаларида инновацион ишланмалар яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланишлари мумкин. Бунинг натижасида туман ёшларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган «Бир миллион дастурчи» лойиҳасида фаол ва самарали иштирок этишларига ҳам имконият яратилди. Келгуси режага кўра, 5000 нафардан ортиқ ўғил-қизларни замонавий рақамли технологиялар соҳасида ўқитиш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 24 та Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Шу йил охирига қадар улар сони 80 тага етказилиши кўзда тутиляпти.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

« ЭЛЕКТРОН УНИВЕРСИТЕТ » — таълим сифати, вақт ва маблағ мувофиқлиги

Рисолат МАДИЕВА, «Янги Ўзбекистон» муҳбири

Мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш орқали соҳаларга замонавий, етук билим ва тажрибага эга малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида эътироф этилганидек, «Тараққиётга эришиш учун, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт.» Бинобарин айни шу масалалар давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонининг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юртимизда олий таълим муассасаларининг ахборот технологиялари инфраструктурасини тизимли такомиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишни автоматлаштириш, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш ва таълим жараёнига татбиқ қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жанубий Корея, Буюк Британия, Дания ва Россия каби давлатларнинг тажрибаси ўрганилганда, ахборотлаштиришнинг асосий мақсади таълим сифатини ошириш, жараёнларни автоматлаштириш орқали олий таълим муассасаси ходимлари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятида кўп тақорланганидан вазифалар учун кетадиган вақтни тежашга қаратилгани аён бўлди.

Олий таълим муассасасининг ягона ахборот-таълим инфратузилмасини яратиш ва янги инновацион технологияларни жорий этиш «Электрон университет»нинг ўзига хослигини белгилайди.

— Талабалар, ходимлар ва ўқитувчиларнинг шахсий маълумотларини сақлаш ва муассаса контингентига ҳақидаги ахборотларни рўйхатга олиш, шахсий, гуруҳ ва комплекс ўқув режаларини шакллантириш, ўқитувчиларнинг ўқув юкларини режалаштириш ва юритиш, гуруҳ журнали, талабалар рейтинг дафтрасини беркор қилиш, аудитория фондларининг бандлигини назорат қилиш «Электрон университет» ягона платформасининг асосий вазифаларидан биридир, —

дейди Олий таълим вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Алишер Абдуллаев. — Шунингдек, ягона платформа талабаларнинг ўқув ва илмий фаолияти, ўқув жараёнида уларнинг тайёрлигини назорат қилиб бориш ва илмий лойиҳаларга жалб этиш, уларнинг муассаса билан молиявий алоқаларини кузатиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ва мониторингини юритиш, ҳар хил турдаги (тоифадаги) тахлилий маълумотларни яратиш ва зарур ҳисоботларни шакллантиришда ортиқча қўғозбозликка чек қўйиши билан аҳамиятлидир.

Бу платформадан асосан, университет маъмурияти, ўқитувчилар ва ходимлар, талабалар ва уларнинг ота-оналари, иш берувчилар фойдаланишлари мумкин. «Маъмурий бошқарув», «Ўқув жараёни», «Илмий фаолият», «Молиявий бошқарув ва статистика» платформанинг тўртта асосий ахборот тизими ҳисобланади.

Мазкур ахборот тизимларини жорий этиш учун ҳар бир олий таълим муассасасининг ИТ-инфратузилмаси талаб даражасида бўлиши шарт. Яъни, олий таълим муассасасининг сервер қурилмалари, локал ва корпоратив тармоқлари зарур қурилма ва дастурий воситалар билан жиҳозланган бўлиши зарур.

Бундан ташқари, ИТ-инфратузилманинг асосий компонентларидан бири ҳисобланган маълумотлар сақлаш учун мўлжалланган техник воситалар

ва уларнинг махсус дастурий илова-ларининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

— Таълим тизимини ривожлантиришда асосан, ахборот технологияларини янада чуқурроқ жорий қилиш билан юқори самарага эришиш мумкин, — деди Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов. — Татбиқ қилинаётган автомат тизимларнинг самараси шуки, аввало, давоматни текширишга ўқитувчиларнинг вақти кетмайди. Биз билан мизки, аввал дарснинг бир қисми талабаларнинг давоматини қайд қилиш билан ўтиб кетар эди. Демак, ўқитувчи талабаларга дарс мавзусини янада кўпроқ очиб бериш, талабалар эса дарсда ёки мазърузада олган билимлари, қобилиятини намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Олий таълим муассасаси раҳбарлари ҳам бу жараёни бевосита кузатиб боради. Бундан ташқари, агар талаба қандайдир сабаб билан қатнаша олмаган бўлса, дарс жараёнини онлайн режимида кўриб бориши мумкин. Энди дарсларга комиссия гуруҳи кириб, назорат қилиши шарт эмас. Мазкур жараёни бемалол онлайн тарзда ҳар қуни назорат қилиш мумкин бўлади. Бу, албатта, ўқитувчилар масъулиятини ошириш билан бирга, таълим сифати яхшиланишига хизмат қилади. Чунки асосий мақсад фақат диплом олиш эмас!

Бундан ташқари, «Электрон университет» ягона платформасини

жорий этиш орқали ҳар бир талабаларнинг ўқув графигининг бажарилиши мониторинг қилинади. Баҳолар ва имтиҳон натижалари устидан назорат ўрнатилди. Реал вақтда тезкор ва мукамал маълумотлар олиш, уларни қайта ишлаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни оптималлашди. Таълим жараёнини ташкил этиш учун ҳужжат айланиш тизими ва бошқарув функциялари унификация қилинади, турли ҳисоботлар ва маълумотларни белгиланган шакллар бўйича тайёрлашда қўғоз кўринишидан бутунлай воз кечилади. Таълим жараёнининг ҳар бир босқичини тезкор ва батафсил назорат қилиш ҳисобига таълим сифати ошади. Тахлилий маълумотлар орқали ривожланиш тенденцияларини ўз вақтида аниқлаш ва улар асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга шарт-шароитлар яратилади. Олий таълим муассасалари фаолиятининг молиявий ҳисоби ахборот тизимлари билан мукамал интеграция қилинган ҳолда ташкил этилади.

Мухтарам айтганда, «Электрон университет» ягона платформасини жорий этиш орқали шаффофлик, талаба ва ўқитувчи ўртасида узвийликни таъминлаш, жараёнлар учун сарф қилинадиган вақтни кескин қисқартириш, оператив маълумотларни тайёрлаш, тахлилий маълумотларни шакллантириш мумкин. Бу таълим сифатини ошириш баробарида вақт ва маблағни тежайди.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ — ШАХСИЙ ИШ ЭМАС

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиди

«Ўзбекча ном яратиш» лабораторияси ташкил этилди

Муяссар САПАРНИЯЗОВА, филология фанлари номзоди, доцент

Тил миллатнинг улкан бойлиги, беназир қадрияти ва бебаҳо мулкидир. Ҳар бир тилда шу тилнинг ижодкори бўлган халқнинг тарихи ва маданияти, оламни англаш услуби, борлиқни кўра кўзи акс этади. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда тайёрланган «Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш» амалий лойиҳаси давлат тили нуфузини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим ислохотлардан биридир.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тизимли равишда йўлида дастуриямал ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур фармонда давлат тили масаласи миллий гоёмизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарурлиги, бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаши, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийлиги алоҳида қайд этилди.



ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ

Президентимиз ўтган йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги тантаналарида сўзлаган маърузасида ҳам жамоат жойлари, кўчалардаги топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилаётгани, бу масала жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиниши зарурлиги ҳақида куюнчақлик билан гапирди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу масала тилимиз келажакка бефарқ бўлмаётган ҳар бир инсоннинг кўнглидаги энг оғриқли масалалардан биридир. Шу боис, савдо объектлари, маҳсулотлар, уларнинг бренди номларини тўплаш, статистик ва лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, тартибга солиш ва ўзбек тилида ном яратишнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш, ўзбек тилида ном яратиш технологиясининг

миллий ва умуминсоний жиҳатларини асослаш лойиҳанинг асосий мақсади этиб белгиланди. Қолаверса, мазкур лойиҳа орқали ўзбек халқининг миллий-маданий қарашлари, менталитети ҳамда ўзбек адабий тили меъёрларига асосланган ном яратишнинг электрон дастурий таъминотини, ном яратиш билан боғлиқ тавсияларни, услубий курсатмаларни, «Худудий номлар курсаткичи»ни тайёрлаш ҳам кўзда тутилган.

НЕЙМИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНING ЗАРУРАТИ

Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси туширилган маҳсулотларимиз жаҳон бозорига ўз истеъмолчисини топмоқда. Уларнинг харидорлигида муваффақиятли танланган номлар муҳим ўрин тутишини унутмаслик керак. Ном яратиш масалалари билан шуғулланувчи нейминг технологияси ўзбек маркетингига

кириб келганига унча кўп вақт бўлмади. Ўтган асрдан бошлаб дунё иқтисодиётида рақобатнинг тобора кучайиб бориши ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ объектлари, маҳсулотларга ном бериш, номни бренд даражасига кўтариш масаласига жиддий ёндашувларни тақозо қила бошлади. Мана шу эҳтиёж юртимизда ҳам нейминг соҳасининг юзага келиши ва касбий фаолият даражасига кўтарилишига туртки берди.

ЎЗБЕКЧА НОМЛАР ЗАХИРАСINI ЯРАТИШ

Бугунги кунда дунё тилшунослигида нейминг масалалари билан шуғулланувчи янги соҳа — нейминг лингвистикаси тилшунослик ва маркетинг янги йўналишлар билан фан сифатида тараққий этмоқда. Корхона, фирма, ишлаб чиқариш, савдо объектлари ҳамда маҳсулот, унинг брендига ном яратиш бериш хизматларининг йўлга қўйилгани ҳам бу соҳанинг дунё миқёсида илдам ривожланиётганини кўрсатади.

Афсуски, бу турдаги хизмат кўрсатиш юртимизда ҳали йўлга қўйилган эмас. Ўзбек тилида ном яратиш хизматларини очиб, ўзбекча номлар захирасини ташкил этиш тилшунослигимизнинг долзарб муаммоларидан биридир.

НОМ ТАНЛАШДА ТАДБИРКОРЛАРГА ИМКОНИЯТ

Бугун шахримиз кўчаларида турли объектларга қўйилган «Сомса сити», «Лента», «Пирамида», «Бегемот», «Три апельсин», «Арбуз», «Триумф», «Престиж» каби номларни кўриб, таъбингиз хира бўлади.

Ишлаб чиқариш субъекти, тадбиркор учун ўз корхонаси, ишлаб чиқарётган маҳсулот, унинг брендига ном қўйиш масъулиятли вазифа, албатта. Номни яратишда жамият аъзоларининг дунёни қай тарзда англаши, миллий-маданий қарашлари, менталитети, воқеликка муносабати кабиларни ҳам эътиборга олиш муҳим. Жамият аъзолари учун ёт бўлган ёки улар тафаккурида салбий тасаввур уйғотувчи номлар самарали коммуникатив мулоқотни ҳосил қила олмайди.

Айни пайтда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиб бораётганини ҳисобга олсак, бир-бирини тақорламайдиган, янги номларни топиш ҳам осон эмас, албатта. Бунинг учун эса компания, фирма, бренд ҳамда ишлаб чиқариш, савдо объектлари, маҳсулотларга ном қўйиш жараёнини енгиллаштириш, халқимизнинг миллий анъаналари ва менталитетига ёт номлар берилишининг олдини олиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги қонунига мос бўлишини таъминлаш мақсадида услубий курсатмалар, номлар захирасини яратиш лозим.

Муаммони ҳал этиш амалда қўлланайётган номларни тартибга солишга ёрдам беради, янги ишлаб чиқариш маҳсулотларига ном бериш жараёнида тил меъёрлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда эса мазкур янги лойиҳа ўзига хос ўрин тутмади.

Айтиш кераки, Алишер Навоий номдаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурда ташкил этилган «Ўзбекча ном яратиш» лабораториясида ўзбек тилида мавзуга оид номлар базасини шакллантириш бўйича ташкилий ишлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, интернет тармоғида uz.nom.uz сайти яратилиб, ўзбекча номлаш хизмати ташкил этилгани соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш, тадбиркор халқимиз учун миллий тилимизда ном яратиш ишига хисса қўшади, деган умиддамиз.

МАЪРИФАТ ҚЎРҒОНИ

# ЭНГ БУЮК КАШФИЁТ



Президентимиз таъкидлаганидек, бу жараёнларда Туркияда очилган энг улкан кутубхона ва 150 йиллик тарихга эга бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббусни ўз қўлига олиши мақсадга мувофиқдир.

**Ғайрат МАЖИД,**  
Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари

Бобом раҳматлининг ажойиб бир одати бўларди: биз, набиралар мактабга отланaversак, ўқиб турган китобидан бош кўтарарди-да, ёнига имлаб чақириб оларди. Кейин болиши тагидан бир сиким танга олиб, бу сенга, мана бу сенга, деб қўлимизга биттама-битта тарқатиб чиқарди. Кейин кулимсирганча изоҳ берарди: "Кеча мактабдан "аъло" баҳо олиб келганларинг шарофати билан болишим остидаги пулларим "болалабди". "Йўғ-е, — деймиз ишониб-ишонмай, — пул ҳам тугадимиз?" Бобом жиддий давом этарди: "Ха-ха, пул ҳам одамдай гап. Хурсандчилик, яхшилик қанча кўпаяверса, пулга ҳам барака кўшилади. Бугун мактабдан яна "аъло" баҳо олиб келсангиз, кўрасиз, болиш тагидига пуллар яна кўпайиб қолади". "Бўпти", дердик ва мактабдан "аъло" баҳо олиб келишга, бобомизни хурсанд қилишга уринардик. Эртаси кун ростдан бобомизнинг пуллари яна кўпайиб қоларди... Бола эртатан ишонди-ку, биз ҳам бобомизнинг гапларига эртатан ишонгандек ишонардик.

кардош биродарларимизга бўлган халқимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтироми барқ уриб туради.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 19-20 февраль кунлари мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан, ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф давомида иқтисодий, савдо, технологиялар соҳасига оид ҳужжатлар имзоланди ҳамда давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Девонининг Халқ кутубхонаси очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Туркия Президенти девонининг Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китоблар совға қилинди. Жумладан, туркий халқларнинг дилбар шоири Юнус Эмронинг ўзбек тилига янгидан таржима қилинган "Улмас кўнгли" номли китоби энг муносиб тўхфалардан бири бўлдики, бу китоб туркий тили давлатлар Хамкорлик кенгаши доирасида "Туркий адабиёт хазинаси" руҳида 100 жыллик китоблар туркумини нашр этиш борасидаги Президентимиз ташаббусининг илк самараси сифатида дунёга келган эди. "Мусаффи Усон"нинг моҳир хаттотлари сифатида танилган кўчирилган нусхаси эса кутубхонанинг энг азиз ва қимматли ганжинаси бўлиб қолиши шубҳасиз.

**Кутубхонанинг очилиш маросимида Президентимиз: "Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, биринчи навбатда, ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан кудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз",** дер экан, бу маҳабатли Халқ кутубхонасининг замонавий ва шарқона меъморчилик услубларини таърифлаб: "Агар азим Анкара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди", дея эътироф этди.

Дини, тили, урф-одати, мақсаду маслаги муштарак ўзбек ва турк халқлари бир неча асрлик иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларга эга миллатлардир. Мирзо Улуғбек, Қозизода

Румий, Али Қушчи, Мирам Чалабий каби боболарнинг илм йўлида чеккан заҳматлари ҳар икки миллат учун ҳам бирдек азиздир. Ҳазрат Навоий улуг адиб ва аллома Дада Қўруқни Аллоҳнинг валии бандаси сифатида катта муҳаббат билан тилга олган бўлса, Навоий ҳазратларини бутун туркийгўй ижодкорлар қатори турк шоиру адиблари ҳам улуг устоз сифатида қадрлайди. Мавлоно Жалолиддин Румий билан ҳазрати Юнус Эмрон билмайдиган ўзбек китобхони топилмаса керак. Румий мухлислари бўлмиш маснавийхонлар

шомдан тонга қадар ота-боболаримиз мажлисларини файзиёб этганини яхши биламиз. Хожа Аҳмад Яссавий бобомизнинг энг муносиб издоши ҳисобланмиш Юнус Эмронинг ўтли сатрлари эса машшоқларимиз томонидан ҳали ҳамон мароқ билан куйланиб келинади.

Яна айтaversак, Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий каби буюк алломаларимиз ўз вақтида Туркияда таҳсил олиб қайтган. Маҳмудхўжа Бехбудий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпондек адабиётимизнинг йирик намояндалари ижодига турк адабиёти ва маданиятининг таъсири катта бўлган. Утган йили ўзбек романчилиги мактаби асосчиси Абдулла Қодирининг таваллуд санаси турк кардошларимиз юртида ҳам муносиб нишонлангани қалбимизда фахр туйғуларини уйғотади. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева каби забардаст қалам соҳибларининг асарлари бугун турк китобхони томонидан ҳам севиб ўқилмоқда. Демокчи-манки, бу каби маданий, адабий, иқтисодий алоқалар юксак мақомда изчил давом этмоқда. Икки мамлакат раҳбарларининг маърифат қўргони очилиши муносибати билан учрашувлари шунинг хайрли башоратидир.

Яқинда Самарқанд шаҳрида "Имом Абу Мансур Мотуридид ва мотуридидия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқро конференция бўлиб ўтди. Жорий йилмишда яна Абу Муин Насафийга бағишланган халқро анжуман ўтказилиши, Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги, машҳур аллома Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллиги, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги кенг кўламда нишонланиши, шунингдек, 2020 йилда Бухоро шаҳри — Ислом маданияти пойтахти, Хива — Туркий дунё маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносибати билан катта тантана-тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Бу хайрли ишларда Ўзбекистон ва Туркия олий ўқув юртлири, ижодий ташкилотлари, ўзбек-турк олим уламулари, адибу шоирлари ҳамкорлигида янги саҳифа очилиши, шубҳасиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу жараёнларда Туркияда очилган энг улкан кутубхона ва 150 йиллик тарихга эга бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббусни ўз қўлига олиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги мураккаб бир замонда, сайёрамизнинг аллақайси нуқталарида хунрезликлар, адолатсизликлар авжига чиқиб, одамлар тинчи бузилаётган, ҳали ёруғ дунёга келиб ёруғлик қурмаган маъсум гўдакларнинг кўзёшигина эмас, қони тўкилаётган бир пайтда икки кардош халқ ўртасида ўзаро маданий, иқтисодий муносабатларнинг, азалий аждодий ришталарининг қайтадан мустаҳкамланиб бориши, бу — хайрли аломат. Бу — мамлакатларимиз раҳбарлари олиб бораётган, дунё халқлари ҳавас қилса, ибрат олса арзийдиган чинакам халқларварлик, тинчликсевар сиёсатнинг ёрқин намойишидир.

БОКС

## Қалбларда шодлик, фахр ва ғурур

Тўлқин РЎЗИЕВ

Олимпиада йўлланмаси учун Аммандаги ринг майдонининг ҳар бир "қаричида" аёвсиз беллашувлар кечди. Мамлакатимиз боксчилари ушбу мусобақада 50 га яқин давлатнинг 289 нафар маҳоратли боксчилари орасида "Токио-2020" учун белгиланган 63 та йўлланманинг 7 тасини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳати, ўзбекистонлик боксчилар Иорданиядаги лицензия мусобақасида 3 тадан олтин ва бронза медалларига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Вакилларимиздан кейинги ўринларни Қозғистон (2 тадан

Аммандаги Олимпия саралаш мусобақаларида иштирок этган давлатлар, мусобақаларнинг адолат ва шафқофлик мезонлари ҳақида сўз юритган Халқро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах Осий — Океания халқро турнири юксак



олтин ва кумуш, 3 та бронза) ва Иордания спортчилари (1 тадан олтин ва кумуш, 3 та бронза) банд этди. Хитой, Япония, Ҳиндистон, Таиланд, Эрон давлатлари эса кейинги погоналардан жой олди.

51 килограмм вазн тоифасида Турсуной Раҳимова таиландлик Ютумас Житпонгни мағлуб этиб, ўзбекистонлик барчиноилар орасида биринчи бўлиб Олимпиада йўлланмасига сазовор бўлди. 57килограмм вазн тоифасида Мирзиёбек Мирзахалиловнинг иорданиялик Моҳам Алвадини "ўз уйда" мағлуб этиши, 63 килограммда Элнур Абдураимовнинг Осий чемпиони, жаҳон чемпиони совриндори қозғистонлик 33 ёшли Закир Сафиулдинни энгилб, голиблик шоҳсўласига кўтарилиши, +91 килограмм пахлавонлар жангида энгилмас боксчимиз Баҳоидир Жалолов австралиялик Жастис Хюни таслим қилиши боксчимиз бугун дунёда тенги йўқ эканидан нишона. Шунингдек, Шаҳоиддин Зоиров, Бобоусмон Батуров ва Санжар Турсуновнинг бронза медалларига эга чиқиши кичкина ютук эмас.

савияда ўтганини, спортчиларнинг техник ва тактик тайёргарлиги, ҳакамлик юқори даражада бўлганини эътироф этиб, яқин ўртада бундай чиройли бокс мусобақалари бўлмаганини таъкидлади.

**Токиода ўтадиган олимпия ўйинларининг бошланишига ҳам 133 кун қолди. Боксчиларимиз қўлга киритган 7 та йўлланмадан кейин мамлакатимиз олимпия ва паралимпиячиларининг Токио "чипта"лари сони расман 35 тага етди.**

Олдинда ҳали оғир атлетика, дзюдо, эркин ва юнон-рум курашлари, энгил атлетика, каратэ, тазквондо каби қатор спорт турларида ҳам олимпиада "умид чироклари"миз ёниб турибди. Истагимиз, бу чирокларнинг ёғдуси кунчиқар юрт узра Ўзбекистоннинг машъали бўлиб дунёга нур таратсин.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

## Пойтахтлик шпагачилар пешқадам!

Абдулхай ЮНУСОВ

Пойтахтимишдаги "Пахтакор" марказий ўйингоҳи спорт мажмуасида қиличбозлик бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари давом этмоқда. Мусобақанинг биринчи кунда шпага йўналиши бўйича қулилар саралаб олинди.

Аёллар ўртасида кечган баҳсларда Бухоролик Маржона Зубайдуллоева олтин медални қўлга киритди. Эркаклар ўртасида тошкентлик Файзулло Алимов Ўзбекистон чемпионига айланди.

Жамоавий баҳсларда ҳам голиблар номи маълум бўлди. Аёллар ўртасида "Ташкент-1" жамоаси финал учрашувида Республика олимпия захиралари коллежи жамоасини энгилб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Эркаклар баҳсида ҳам пойтахтликлар қўли баланд келди. Улар финалда "Анджон-2" жамоаси қиличбозларини мағлубиятга учратди.

Чемпионат доирасида юртимизга Венесуэлдан Панамерика Қиличбозлик конфедерацияси техник директори, шпага йўналиши бўйича мураббий Хосе Бенавидес келган. У Ўзбекистон қиличбозлик терма жамоасининг шпага йўналишидаги спортчилари маҳоратини ошириш мақсадида бир ҳафталик ўқув-йигин машғулотларини ўтказди.

